



БЕЛГИНИ ЯРАТИШ

“Ўзбекистоннинг кичик ва ўрта корхоналари учун
товар белгилари” мавзусига кириш

Эслатма: Мазкур қўлланмада келтирилган маълумотлар профессионал ҳуқуқий маслаҳат ўрнини босишни мақсад қилиб қўймайди. Унинг асосий мақсади умумий ахборотни бериш билан чекланади..

Мазкур брошюра www.wipo.int/sme/en/documents/guides/ сайтида мавжуд бўлган инглиз тилидаги асл версиясига муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг расмий рухсати билан миллий қонунчиликка мослаштирилди ва такрор ишланди. Шу сабабли, БИМТ мослаштирилган Нашр версиясининг аниқ ва тўғрилиги учун масъулиятни ўз зиммасига олмайди, бу жавобгарлик мутлақо Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг зиммасидадир.

© Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (2011 й.)

© Инглиз тилидаги асл версияси (2003 й.)га муаллифлик ҳуқуқи БИМТга тегишли.

Мазкур нашрнинг ҳеч бир қисми агар қонунда бошқача рухсат этилмаган бўлса, бирон-бир шаклда электрон ёки механик воситалар орқали муаллифлик ҳуқуқи эгасининг ёзма розилигисиз, қайта такрорланиши ёки ўзга шахсларга берилиши мумкин эмас.



СЎЗ БОШИ

Ушбу қўлланма “Интеллектуал мулк бизнес учун” қўлланмалар сериясининг биринчи нашри ҳисобланади. Қўлланма ҳар бир компаниянинг маркетинг стратегиясининг асосий элементи ва брендинги бўлган товар белгиларига бағишланган.

Қўлланманинг мақсади бизнес ривожланишининг истиқболи нуқтаи назаридан товар белгиларининг аҳамиятини изоҳлашдан иборат ва амалий хусусиятга эга, бунда изоҳлар китобхонларнинг яхши тушунишлари учун мисоллар ва расмлар билан берилган. Кичик ва ўрта корхоналар (КЎК) ушбу қўлланмадан фойдаланиб товар белгилари соҳасидаги ишлаб чиқилган стратегияларни ўзларининг мажмуавий бизнес-стратегияларига киритган ҳолда фойдаланишлари кўзланган. БИМТ келгусида қўлланма матнининг сифатини яхшилаш мақсадида китобхонларнинг фикр-мулоҳазаларини олишга умид қилади, бу қўлланманинг бутун дунё КЎКларининг эҳтиёжларига керакли даражада жавоб бериши учун хизмат қилади.

Ушбу Қўлланманинг турли мамлакатларга мослаштирилган вариантларини миллий идоралар ва ташкилотлар ҳамкорликда яратишлари мумкин, улар бундай адаптация бўйича маслаҳат олиш учун БИМТга мурожаат қилишлари мумкин.

Бутунжаҳон интеллектуал
мулк ташкилоти

Ўқувчилар диққатига

Товар белгиларининг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадим замонлардаёқ инсонлар ўз буюмларини бошқаларникидан ажратиш учун махсус мулкчилик белгилари – тамғалар қўллаганларки, улар идишларга, чорва молларининг танасига, ер мулкларининг чегарасига қўйиладиган тош ёки ҳодаларга босилган.

Хунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланиши билан кишилар кимнинг товарларини сотиб олаётганларига бефарқ бўлмай қолдилар. Хунармандлар ўз товарларига алоҳида тамғалар қўя бошладилар. Товарда тамғанинг мавжудлиги унинг кимга мансублигига шубҳа қилинган баҳсли ҳолларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида товарни қўп ҳолларда ишлаб чиқарилган жойдан узоқларга олиб кетадиган воситачи-савдогар пайдо бўлганда эса, тамға маълум сифат кафолати бўлиб хизмат қилди, чунки турли хунармандларнинг обрўси, шуҳрати турлича эди. Харидор ўзи яхши билган, таниш тамғаларидан билиб оладиган хунармандларнинг товарини афзал кўрар эди.

Инсон фаолиятининг бир-бирига турлича пуллик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ яна бир тури анча эрта юзага келди. Бундай хизматларнинг кенг тарқалган турларидан бири тунаш жойи бериш ва овқатқатланиши эди. Шу тариқа меҳмонхоналар пайдо бўлдики, уларни бир биридан ажратиш учун эгалари дарвоза олдида ҳода ўрнатиб, унга меҳмонхона, ресторан, қовоқхона номи битилган бирор жиҳоз ёки лавҳа маҳкамлаганлар.

Барча ушбу лавҳалар, тамғалар маълум даражада товар белгиларининг аждоди бўлиб ҳисобланади.

Товар белгиси - бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгилардир.

Товар белгиларининг эгаларига ўз товарлари ва хизматларини белгилашнинг мутлақ ҳуқуқини олиш имконияти берилади. Бу билан улар бозорда тадбиркорлик фаолиятини (кенг маънода), шу жумладан, реклама, жамоатчиликни хабардор қилиш, маҳсулотни жойлаштириш билан боғлиқ ва фаолиятни осонлаштирувчи эксклюзив мулоқот воситасига эга бўладилар. Ҳуқуқ эгаси унинг маҳсулотни жойлаштириш бўйича ўз ҳаракатлари бекор кетмаслигига ишонч ҳосил қилиши мумкин, чунки белги товарни маълум ишлаб чиқарувчи билан боғлайди ва унинг шуҳрат қозонишига ёрдам бериб, ўзига хос “сигнал коди” ролини ўтайди. Шундай қилиб, ўзига хос ахборот узатиш канали яратиладики, у туфайли истеъмолчи онгида конкрет товар ёки хизмат ва тегишли белги билан ассоциатив боғланиш вужудга келади.

Турли белгилар ҳукумат томонидан ваколат берилган давлат идорасида махсус рўйхатдан ўтказилганидан сўнг товар белгилари мақомини оладилар. Ўзбекистонда Давлат патент идораси мана шундай орган вазифасини бажарадики, у белгиларни товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун талабнома қабул қилади, улар бўйича экспертиза ўтказиши ва муҳофаза ҳужжатларини беради.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат патент идораси

Мундарижа

1. ТОВАР БЕЛГИЛАРИ	4
2. ТОВАР БЕЛГИСИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ: ҚАДАММА-ҚАДАМ	12
3. БЕЛГИ ТУРЛАРИ.....	19
4. ТОВАР БЕЛГИНГИЗДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	21
5. ТОВАР БЕЛГИСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ.....	25

1. Товар белгилари

Товар белгиси нима?

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (бундан буён матнда – «товар белгиси» деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда «товарлар» деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир¹.

Ўзбекистон Республикасида товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари бир хил ҳуқуқий мақомга эга.

Умуман олганда, товарлар ва хизматларни ажратиш учун қўлланиладиган, фарқловчи хусусиятга эга бўлган исталган **сўзлар, харфлар, рақамлар, расмлар, тасвирлар, муайян шакл тарзидаги белгилар, ранглар (Ўзбекистон Республикасида ранг товар белгиси сифатида муҳофаза қилинмайди), логотиплар, этикеткалар ва уларнинг бирикмалари** товар белгиси бўла олади. Баъзи мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда **слоганлар (реклама шиори)** ҳам товар белгиси ҳисобланади ва худди шундай кўринишда товар белгилари бўйича миллий идораларда рўйхатдан ўтказилишлари мумкин. Кўплаб мамлакатлар товар белгиларининг унчалик одатий бўлмаган кўринишларини рўйхатдан ўтказмоқдалар, хусусан фақат

¹ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг биринчи қисми

айрим ранглардан иборат белгилар, муайян шакл тарзидаги белгилар (буюмлар ва упаковкалар шакллари), овозли белгилар (товушлар) ёки ҳидли белгилар (ҳидлар). Лекин бир қанча мамлакатлар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлган ифодаларга тааллуқли бир қатор чекловларни қўймоқдалар, қоида бўйича, фақат кўз билан қабул қилинадиган ёки график кўринишдаги белгиларнигина рўйхатдан ўтказишга рухсат бермоқдалар.

Мисоллар

Сўз:

Milkistan

№ MGU 20488 гувоҳнома эгаси
Юсупова Н. Х. рухсати билан

Логотип:



№ MGU 20882 гувоҳнома эгаси
"GREEN WORLD" Ўзбек-америка-корей
ҚК рухсати билан

Ҳажмли белги (товар шакли):



№ MGU 19492 гувоҳнома эгаси "BARAKA INTER SERVIS" МЧЖ рухсати билан

Тасвирий:



№ MGU 20950 гувоҳнома эгаси «SINEMA Market» МЧЖ рухсати билан

Тасвирий элементли ҳарфли бирикмалар :



№ MGU 18051 гувоҳнома эгаси "ALFA PLASTIK" МЧЖ шаклидаги ҚК рухсати билан

Товар белгилари нимага хизмат қилади?

Товар белгисининг асосий мақсади истеъмолчиларга бирон-бир товар белгиси эгаси (тадбиркорлик билан шуғулланадиган юридик ёки жисмоний шахс)нинг **товарлари (ёки хизматлари)**ни индивидуаллаштириш ва рақобатчилар таклиф этаётган **айнан бир хил ёки бир турдаги товарлар (хизматлар)**дан фарқлаш имконини беради. Конкрет товарлар (хизматлар)-нинг сифати истеъмолчиларни қониқтирса, келажакда улар яна шу товарларни сотиб олишлари ёки ундан фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун уларни айнана ўхшаш ёки бир турдаги товарлар (хизматлар)дан осон фарқлаш имкониятига эга бўлишлари шарт.

Товар белгилари эгалари (компания, ташкилот, корхоналар ва бошқ.)га ўзлари ишлаб чиқаётган маҳсулотни (маҳсулот сифатида нафақат товарлар, балки кўрсатиладиган хизматларни ҳам тушунилади ҳолда) рақобатчилар маҳсулотидан фарқлаш имконини берган ҳолда товар белгилари истеъмолчилар кўз ўнгига муносиб **имидж ва репутация** яратишга ёрдам бериб, компаниянинг **брендинг ва маркетинг стратегиясида** марказий ўринда туради. Имидж ва репутация компаниянинг доимий мижозлари пайдо бўлишига асос бўлувчи **ишонч** келтиради. Харидорлар товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган товарлар (хизматлар) орасида ўзлари истаган сифат даражаси ва хусусиятлар мавжудлигига қараб баъзи бир товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари)га нисбатан ўзларида **эмоционал боғланишни** шакллантирадilar.

Бундан ташқари товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) билан белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар)² ижобий репутацияга эга бўлиши учун компаниялар ўз маҳсулотларининг сифатини сақлаш ва янада яхшилаш орқали инвестицияларни оширишига стимул бўлади.

Товар белгиларининг аҳамияти

Пухта ишлаб чиқилган ва бозорга чиқарилган товар белгиси кўп компаниялар учун **қимматли иш активи** ҳисобланади. Баъзи компаниялар учун у энг қиммат актив бўлиши мумкин. Бу истеъмоличларнинг товар белгиларини, уларнинг шу белги билан боғланган репутацияси, имидж ва сифатини баланд баҳолаши билан боғлиқ бўлиб, улар ҳурмат қозонган ва талабларига жавоб бера оладиган товар белгиси бор бўлган маҳсулотга кўпроқ пул тўлашга тайёрлар. Шундай қилиб, фақат ижобий имидж ва репутацияли товар белгисининг мавжудлиги, унинг эгасига рақобатда устунлик беради.

Нима учун сизнинг компаниянгизга ўз товар белгиси (товар белгилари)ни муҳофаза қилиш керак?

Гарчи, кўп корхоналар товар белгиларидан фойдаланиш ўз товарларини рақобатчиларнинг маҳсулотларидан фарқлаш учун муҳимлигини тушунсаларда, барча ҳам уларни рўйхатдан ўтказиш билан муҳофаза қилиш заруриятини тушунмайдилар.

Товар белгилари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ олинган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш товар белгиси эгасига **сизнинг товар белгингиз билан айнан бир хил ёки бир турдаги товарларни сотишни ёки бошқа белги билан аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш белгини ман қилишга мутлақ ҳуқуқ беради**³.

Товар рўйхатдан ўтказилмаганлик сабабли маҳсулотни бозорга чиқаришга киритилган инвестициялар фойдасиз бўлиши мумкин, модомики рақобатчи компаниялар худди шу, ёки аралаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш товар белгиларини айнан бир хил ва бир турдаги товарларга нисбатан қўллашлари мумкин. Агар **рақобатчи** сизнинг товар белгингиз билан айнан бир хил ёки ўхшаш белгини қўллай бошласа, истеъмоличлар чалғийдилар ва рақобатчингизнинг товарларини сизнинг компаниянгизники деб ўйлаб сотиб оладилар. Бу нафақат сизнинг компаниянгизнинг даромадини камайтиради ва истеъмоличларни чалғитади, балки, айниқса, рақобатчингизнинг маҳсулотининг сифати анча паст бўлса сизнинг компаниянгизнинг репутацияси ва имиджига путур етказилади.

Маҳсулотнинг бозорда муваффақияти учун товар белгисининг қимматли ва аҳамиятли эканлигини тушунган ҳолда, уни барча ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нисбатан рўйхатдан ўтказиш жуда муҳимдир.

Бундан ташқари, **рўйхатдан ўтказилган товар белгиси** ундан фойдаланиш учун⁴ бошқа компанияларнинг **лицензия сўраб мурожаат қилишларига** сабаб бўлади, бу сизнинг компаниянгизнинг қўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилади, ёки **комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг)**⁵ (баъзи мамлакатларда тижорат концессияси ҳақида шартнома) **шартномасининг** асоси сифатида хизмат қилиши мумкин.

² Бундан буён агар матн иккала терминни ишлатишни талаб қилмаса баён қилишда қулайлик учун “товар белгиси” термини ишлатилади,

³ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддасининг учинчи қисми

⁴ Ушбу Қонуннинг 30-моддасининг учинчи қисми

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.11.2010 й. 244-сонли Қарори

Қатор ҳолларда истемолчилар орасида яхши репутацияга эга бўлган, рўйхатдан ўтказилган товар белгиси бизнесда муваффақиятга эришиш учун бренднинг аҳамияти катта эканлигини юқори даража тушуна бошлаётган банк тузилмалари томонидан маблағ ажратиш учун ишга солиниши мумкин.

Товар белгилари

- истемолчиларга товарларни фарқлаш имконини беради;
- компанияларга ўз маҳсулотларини ажратиб кўрсатиш имконини беради;
- имидж ва репутация яратишда маркетинг воситаси ва асоси бўлиб хизмат қилади;
- лицензиялаштириш мумкин ва лицензия чегирмалари (роялти) кўринишида бевосита даромад сифатида хизмат қилиши мумкин;
- франшизинг ҳақидаги шартноманинг муҳим элементи бўлиши мумкин;
- қимматли иш активи бўлиши мумкин;
- компанияларнинг маблағларини товарлар сифатини сақлаш ва яхшилашга сарфлашга рағбатлантиради;
- қўшимча пул маблағларини жалб қилиш учун фойдалидирлар.

Товар белгилари муҳофазаси

Компаниянгизнинг товар белгилари қандай муҳофаза қилиниши мумкин?

Товар белгисининг муҳофазасини рўйхатдан ўтказиш йўли билан (**Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий муҳофаза олиш тартиби айнан рўйхатдан ўтказиш орқали**)⁶, баъзи мамлакатларда эса, шунингдек ундан **фойдаланиш** натижасида олиш мумкин. Ҳатто ундан фойдаланиш натижасида товар белгилари муҳофаза қилиниши мумкин бўлган ҳолларда ҳам, компанияларга белгиларини миллий идорага товар белгилари бўйича талабнома топшириш орқали рўйхатдан ўтказиш тавсия этилади. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш айниқса, айнан бир хил ёки аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш товар белгилари ҳуқуқлари тўқнашувида анча ишончли муҳофаза қилиш имконини беради. Товар белгисини рўйхатдан ўтказишда патент вакилларининг хизматидан фойдаланиш жуда фойдалидир (баъзи мамлакатларда бу мажбурийдир; Ўзбекистон Республикасида патент вакиллари хизматидан фақат ҳорижий талабнома берувчилар ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан ташқарида доимо турадиган фуқаролари мажбурий равишда мурожаат қилишлари лозим. Шунини таъкидлаш керакки, МДҲ давлатларининг бир қанчаси билан тузилган шартномаларга мувофиқ, шу мамлакатларнинг талабнома берувчилари Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтган патент вакиллари хизматларидан фойдаланишлари шарт эмас).

⁶ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 4-моддасининг биринчи қисми

Фирма номини рўйхатдан ўтказиш етарлими?

Кўпчилик ўз корхонаси ва унинг фирма номини корхоналар ва ташкилотлар реестрида рўйхатдан ўтказиш автомат равишда бу номни товар белгиси сифатида муҳофаза қилинишини келтириб чиқаради деб ҳисоблайдилар. Бу кенг тарқалган ҳато фикрдир. Шунинг учун фирма номлари ва товар белгилари орасидаги фарқни тушуниш муҳимдир.

Фирма номи – бу юридик шахс-тижорат ташкилотининг индивидуал номи, масалан: “Юлдуз” масъулияти чекланган жамияти, бунда **у бошқа юридик шахслар ичидан ажратган ҳолда юридик шахснинг ўзини идентификациялайди ва индивидуаллаштиради**. Юридик шахснинг фирма номи унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатиши керак⁷ (масалан, масъулияти чекланган жамият (МЧЖ), Очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ), Ёпиқ акциядорлик жамияти (ЁАЖ), ва юридик шахс номининг ўзи. Қонунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак⁸.

Бундан фарқли равишда, **товар белгиси сизнинг компаниянгизнинг товарини бошқа компаниялар маҳсулотидан фарқлаш учун мўлжалланган белги ҳисобланади**. Компаниялар хилма-хил товар белгиларига эга бўлишлари мумкин. Улар ўз товар белгиларини ўзларининг барча товарлари, ёки маълум товарлар линияси, ёки компания ишлаб чиқарадиган қандайдир бир товарни индивидуаллаштириш учун қўллашлари мумкин. Баъзи компаниялар шунингдек ўз фирма номидан ёки унинг бир қисмидан товар белгиси сифатида фойдаланиши мумкин, лекин бунинг учун бу номни товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишлари керак.

Товар белгисига талабнома беришга кимнинг ҳуқуқи бор?

Кўп мамлакатларда товар белгисидан фойдаланиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш мақсадида бўлган ҳар қандай шахс, уни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топшириши мумкин. Бу ҳам жисмоний, ҳам юридик шахс бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида товар белгисига талабнома тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин⁹.

Товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш мажбурийми?

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида компания, ташкилотлар ўз товарлари ёки хизматларини индивидуаллаштириш (маркалаш) учун фойдаланадиган белгиларини товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳақида мажбурий талаб йўқ. Лекин, бу мажбурий бўлмаса ҳам, қатъий тавсия этилади, чунки бундай рўйхатдан ўтказиш товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш ҳолларининг йўлини тўсишга мутлақ ҳуқуқ беради.

⁷ «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 3-моддасининг учинчи қисми

⁸ «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 3-моддасининг тўртинчи қисми


⁹ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 4-моддасининг иккинчи қисми

Рўйхатдан ўтказишни рад этилишининг асосий сабаблари

Товар белгисини танлашда қандай белгилар ҳам товар белгиси сифатида рўй-хатдан ўтказилмаслигини билиш фойдалидир. Товар белгисига талабно-малар, одатда, рўйхатдан ўтказишни рад этувчи “абсолют асослар” кучига қараб қуйидаги ҳолларда қайтарилади, булар:

- **Муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишида бўлган атамалар.** Масалан, агар сизнинг компаниянгиз стуллар сотиш учун «СТУЛ» товар белгисини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлса, бундай товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этадилар, модомики «стул» шундай кўринишдаги товарга нисбатан қўлланадиган айнан шундай атамадир.

- **Тавсифий атамалар.** Булар муайян товарни тавсифлаш учун одатда савдода қўлланадиган сўзлар. Масалан, “ШИРИН” белгиси шоколад сотиш учун товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмаслиги эҳтимолдан узоқмас, чунки у тавсифий характерга эга. Ҳақиқатдан ҳам, қайсидир бир шоколад ишлаб чиқарувчисига Ўз то-варини ўтказиш учун “ширин” сўздан фойдаланишга мутлақ ҳуқуқ берилиши адолатсизлик бўларди. Шу сингари, “ЧАҚҚОН”, “ЭНГ ЯХШИ”, “КЛАССИК” ёки “ИННОВАЦИОН” сингари тавсифловчи ёки мақтовчи атамалар ҳам, агар улар фарқловчи хусусиятга эга белгининг элементларидан бири бўлмаса рад этилиши эҳтимолдан ҳолимас. Бундай ҳолларда талабномага белгининг бундай элементи ҳуқуқий муҳофазадан чиқариб ташланиши ва унга мутлақ ҳуқуқ тадбиқ этилмаслиги ҳақида кўрсатма кирити-лиши зарурияти юзага келиши мумкин.



№ MGU 20155 гувоҳнома эгаси ООО
«LUX-TEA» рухсати билан

Ушбу товар белгисини рўйхатдан ўтказишда «BEGOYIM»дан ташқари барча сўз ва рақамли элементлар муҳофаза қилинмайдиган элемент сифатида кўрсатилган, чунки уларнинг бир қисми мақтовчи атама, бир қисми эса талабнома берилган товар – чойга нисбатан тавсифловчи ҳисобланади.

- **Чалғитиши мумкин бўлган то-вар белгилари.** Бу ёлғон ёки товар-ларнинг характери, сифати ёки келиб чиққан жойининг географик кўрсаткичига нисбатан истеъмолчиларни чалғитиши мумкин бўлган товар белгиларидир. Масалан, маргарин сотиш учун СИГИР сўзи ва унинг тасвиридан иборат бўлган товар белгисига талабнома рад этилиши эҳтимолдан ҳоли эмас, сабаби, бундай белги истемолчиларни чалғитиши мум-кин бўлган белги сифатида кўрилади, улар бу белгини сут маҳсулотлари билан боғлашлари мумкин (ушбу ҳолда сарийё билан).

• **Жамият манфаатларига ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар.**

Ҳамма қабул қилган инсонпарварлик, ахлоқ ва диний қоидаларига зид деб кўриладиган сўзлар ёки тасвирлар, ёки уларнинг бирикмалари товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

• **Давлат ва халқаро, ҳукуматлараро ташкилотларнинг байроқлари, герблари, символлари ва эмблемалари**, улар тўғрисидаги хабарлар БИМТнинг халқаро бюросига юборилган бўлса, қоида бўйича рўйхатдан ўтказилмайди.

Талабнома берилган белги бошқа шахсларнинг товар белгисига бўлган ҳуқуқлари билан тўқнаш келганда, талабнома рўйхатдан ўтказишни рад қилувчи “нисбий асослар” туфайли қайтарилади. Бир хил товарларга нисбатан рўйхатдан ўтказилган иккита айнан бир хил (ёки ўхшаш) товар белгиларининг бўлиши, истеъмолчиларни чалғитиб қўйиши мумкин. Баъзи товар белгилари бўйича идоралар (масалан Ўзбекистонда) мажбурий равишда мавжуд бўлган товар белгилари ва ҳаммага маълум деб эътироф этилган белгилар¹¹ билан тўқнаш келиш эҳтимолини текширувчи экспертизани ўтказадилар, бошқа кўпгина идоралар эса, расмий нашрда эълон қилингандан сўнг товар белгисининг рўйхатдан ўтказилиши учинчи тараф томонидан бахсга сабаб бўлсагина буни ўтказадилар. Умумий қоидага кўра, агар айнан бир хил ёки бир турдаги товарларга нисбатан товар белгиси мавжуд бўлган (ёки илгари талабнома берилган, лекин рўйхатдан ўтказилмаган) товар белгиси билан айнан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида бир хил бўлса,

талабнома рад этилади ёки товар белгисига гувоҳнома бекор қилинади. Ўзбекистон Республикасида умумий қоидадан истисно бор – агар анча аввалги белги (устуворлик санаси аввалроқ бўлган) эгасининг кейинги белгини (устуворлик санаси кейинроқ бўлган) рўйхатдан ўтказишга розилиги бўлса, идора бундай товар белгисини рўйхатдан ўтказиши мумкин. Бу истисно фақат аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш белгилар учун тадбиқ этилади, айнан бир хил белгилар учун эмас¹².

Шундай қилиб, бошқа шахсларнинг мавжуд бўлган белгилари билан аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш белгилардан фойдаланишдан ўзини четга олган маъқулроқ.

Товар белгисини танлашда ёки яратишда нимани унутмаслик керак?

Товар белгисини танлаш ёки яратиш муҳим қадамдир, чунки у корхона маркетинг стратегиясининг муҳим элементи ҳисобланади. Хўш, сизнинг маҳсулотингиз учун қайси товар белгиси тўғри келади? Шубҳасиз, бунинг учун аниқ ифодаланган қоидалар йўқ. Шундай бўлсада, қуйида келтирилган бешта банддан иборат ишлар рўйхати фойдали бўлиши мумкин.

¹¹ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 15-мод-дасининг иккинчи қисми

¹² Ушбу Қонуннинг 10-моддасининг тўртинчи қисми

Товар белгисини танлашда тавсия этиладиган ишлар

- Сиз танлаган товар белгиси рўйхатдан ўтказиш учун барча **ҳуқуқий талабларга** жавоб беришига ишонч ҳосил қилинг (рўйхатдан ўтказишни рад этувчи асосларни тепароқда 9-10 бетда кўринг).
- Белгингиз мавжуд бўлган товар белгилари билан айнан бир хил ёки аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун **товар белгиларига нисбатан дастлабки қидирувни** ўтказинг (15-бетга қаранг).
- Товар белгиси **осон ўқилиши, ёзилиши, талаффуз қилиниши ва эслаб қолинишига** ва шунингдек, барча реклама воситаларида фойдаланиш мумкин бўлишига ишонч ҳосил қилинг.
- Миллий тилда ёки экспорт қилиниши мумкин бўлган мамлакатларнинг тилида белги қандайдир бошқа **номақбул маънога** эга бўлиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилинг.
- Мос **Интернет доменининг номи** рўйхатдан ўтказиш учун банд эмаслигига ишонч ҳосил қилинг (товар белгилари билан Интернет доменининг номларининг боғлиқлиги ҳақидаги ахборот 23-бетда келтирилади)

Товар белгиси сифатида бир ёки бир нечта сўзни танлашда, сиз шунингдек, сўзларнинг танлашдан келиб чиқувчи оқибатларни ҳам эътиборга олишингиз керак, булар қуйидаги типдаги сўзлар:

- **Хаёлий ва “ғайриоддий” сўзлар.** Ўйлаб топилган, хаёлий сўзлар мавжуд бўлиб, улар ҳеч қандай аниқ маъно ва мазмунга эга эмас. Бундай сўзларнинг афзаллик томони шундаки, уларга муҳофазани олиш осонроқ, модомики улар, фарқлаш хусусиятига эга бўлган белгилар сифатида кўрилади¹³.

МАКИЗ

№ MGU 13332 гувоҳнома эгаси
Садиков С. А. рухсати билан

Аммо уларнинг камчилиги, истеъ-молчиларнинг эслаб қолишида қийинчилик туғдиришида, бу рекламага катта маблағ сарф қилишни талаб қилади.

- **Шартли белгилар:** бу маънога эга сўзлар, лекин реклама қилаётган маҳсулотга уларнинг алоқаси йўқ. Бундай кўринишдаги белгилар ҳам муҳофазани осон олсаларда, истеъмолчилар кўз ўнгида белги ва маҳсулот орасидаги боғлиқлик ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун рекламалардан кенг фойдаланишга муҳтождирлар.

Мисол:



Бу белги гўшт ва колбаса маҳсулотларига нисбатан рўйхатдан ўтказилган.

№ MGU 13341 гувоҳнома эгаси
“АСЛЗОТ” хусусий корхонаси. рухсати билан

¹³ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»- ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг 5-банди

- **Тасаввур ҳосил қилувчи (ишонтирувчи) белгилар.** Бу белгилар товарларнинг бир ёки бир нечта хусусиятлари ҳақида фикр туғдиради. Бундай белгиларнинг яхши томони шундаки, улар ўзи билан маҳсулот рекламасининг бир шаклини ифодалайдилар. Аммо баъзи мамлакатлар тасаввур ҳосил қилувчи белгини айрим товарлар учун ҳаддан зиёд тавсифий деб ҳисоблаши хавфи бор.

Мисол: SUNNY (ҚУЁШЛИ) товар белгиси, электр иситгичларни сотиш учун мўлжалланган, бу маҳсулот иссиқлик таратиш ва хонада шинам ҳароратни сақлаб туриши учун мўлжалланганига “ишора қилади”. Аммо баъзи товар белгилари бўйича идоралар бундай белгини ҳаддан ташқари тавсифловчи деб ҳисоблаши мумкин, шу тахлит у рўйхатдан ўтказилмайди.

Танланган белгининг кўринишидан қатъий назар, унда мавжуд бўлган товар белгиларининг имитацияси бўлишидан қочиш муҳим. Рақобатчининг кўриниши бирмунча ўзгартирилган товар белгиси, ҳаммага маълум деб эътироф этиладиган ёки таниқли белгига билиб туриб орфографик хато киртилган белги рўйхатдан ўтказилиши эҳтимолдан узоқ.

2. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш: қадамма қадам

Талабнома берувчи

Биринчи қадам сифатида тўғри тўлдирилган, компания (тўлиқ фирма номи, манзили, телефон, факсни қўшган ҳолда), патент вакиллари ҳақида маълумотлар, агар талабнома уларнинг воситачилигида топшириладиган бўлса, идора талаб-

ларига жавоб берувчи белгининг тасвири (бу талабнома бериладиган белгининг сифатли 8 смга 8 см форматдаги тасвири ёки 8 смга 16 см этикетка), корхонангиз товар белгисига нисбатан муҳофаза олмоқчи бўлган синф ва синфлар¹⁴ кўрсатилган товарлар ва хизматлар рўйхати ҳақида маълумотларга эга бўлган товар белгисига¹⁵ талабномани топшириш ва белгиланган патент божларини тўлаш керак.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи товар белгилари бўйича идоралар (масалан, АҚШ ва Канадада) белгидан фойдаланишингизни исботлашни, ёки товар белгисидан фойдаланиш мақсадингиз ҳақидаги декларацияни талаб қилиши мумкин. Ўзбекистон қонунчилиги бундай талабни қўймайди, шунинг учун талабнома бериладиган белгидан фойдаланиш ҳақида қандайдар ҳужжатни тақдим этишга ҳожат йўқ.

Товар белгилари бўйича идора

Белгини рўйхатдан ўтказиш учун идора томонидан ташланадиган қадамлар мамлакатдан келиб чиқиб ўзгаради, лекин умуман олганда, улар бир хил тартибда ўтади.

¹⁴ Кўп мамлакатларда Ницца таснифи номи билан машҳур товарлар ва хизматлар таснифи қўлланади (II иловага қаранг), бундан фойдаланган ҳолда ўзингизнинг белгингизга алоқадор товар ва белгиларни танлашингиз мумкин. Одатда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш барча товар ва хизматларга нисбатан қўлланилмайди

¹⁵ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг иккинчи қисми

Расмий экспертиза: товар белгилари бўйича идоралар талабноманинг расмий талабларга мувофиқлиги экспертизасини ўтказадилар (яъни талабнома бериш учун божни тўланганлиги ва топширилган талабноманинг тўғри тўлдирилганлиги текширилади). Ўзбекистонда талабномани расмий экспертизадан ўтказиш талабнома Патент идорасига топширилган санадан эътиборан ўттиз кунлик муддат ичида амалга оширилади¹⁶.

Моҳият бўйича экспертиза: баъзи мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида, идора (Давлат патент идораси) талабноманинг моҳият бўйича талабларга мувофиқлигини аниқлаш (яъни белги товар белгилари бўйича қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлмаган белгилар категориясига кирмаслиги, мавжуд бўлган товар белгисининг шундай синф (синфлар)га нисбатан рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқини бузмаслиги) бўйича экспертиза ўтказилади¹⁷.

Эълон қилиш ва эътироз билдириш: кўп мамлакатларда товар белгиси расмий нашрларда эълон қилинади, бу билан учинчи шахсларга унинг рўйхатдан ўтказилганлигига қарши эътирозларини белгиланган муддатда билдиришлари учун имконият берилади. Бир қатор бошқа мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам, товар белгиси фақат рўйхатдан ўтказилганидан сўнг уни бекор қилиш учун эътироз билдириш учун аниқ муддат берган ҳолда эълон қилинади¹⁸ (яъни экспертиза томонидан талабнома бўйича ижобий қарор қабул қилинганидан, талабнома берувчи томонидан товар белгисининг товар белгилари Давлат реестридан рўйхатидан ўтказилганлиги ва гувоҳнома берилиши учун бож тўланганидан сўнг)¹⁹.

Рўйхатдан ўтказиш: рад этишга асос бўлмаган ҳолда товар белгиси рўйхатдан ўтказилади ва унга маълум товарлар ва хизматларга нисбатан товар белгисига мутлақ ҳуқуқ берилишини тасдиқловчи товар белгисига гувоҳнома берилади. Ўзбекистонда, бошқа бир қанча мамлакатлар сингари гувоҳнома, ва тегишинча, товар белгисига мутлақ ҳуқуқ ўн йил мобайнида амал қилади²⁰.

Амал қилиш муддатини узайтириш: Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиш муддатини истаган миқдорда узайтиришни керакли патент божини тўлаш йўли билан амалга ошириш мумкин²¹. Аммо, агар товар белгисидан 5 йил мобайнида фойдаланилмаган бўлса, товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши муддатдан олдин тўлиқ, ёки фақат баъзи товар ва хизматларга нисбатан тўхтатилади. Товар белгисидан фойдаланилмаслик оқибатида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш ташаббуси билан манфаатдор шахс чиқиши мумкин²² (кўп ҳолларда, бу товар белгиси эгасининг рақобатчиси, чунки унга бу товар белгиси ўзининг шундай ёки аралаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш белгисига муҳофаза олишга ҳалақит беради).

¹⁶ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси

¹⁷ Ушбу Қонуннинг 15-моддасининг иккинчи қисми

¹⁸ Ушбу Қонуннинг 19-моддаси

¹⁹ Ушбу Қонуннинг 18-моддаси

²⁰ Ушбу Қонуннинг 21-моддаси

²¹ Ушбу Қонуннинг 22-моддаси

²² Ушбу Қонуннинг 25-моддасининг учинчи қисми

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга қанча вақт сарфланади?

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун сарфланадиган вақт, ҳар хил мамлакатларда турлича бўлиб, одатда товар белгиси бўйича идоранинг моҳият бўйича экспертиза ўтказиш-ўтказмаслиги ва бошқаларга қараб 3 ойдан 2 йилгача бўлиши мумкин. Ўзбекистонда расмий экспертизани ўтказиш муддати 1 ой, талабнома берилган белгининг экспертизаси талабнома берилган санадан эътиборан етти ой ичида ўтказилади²³. Шунинг ёнда тутиш лозимки, белгининг рекламада ишлатилиши ва ишлаб чиқаришни бошлаш, тегишли маҳсулотларни сотиш, хизматларни кўрсатиш пайтига келиб рўйхатдан ўтказилган бўлиши учун товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома барвақт топширилиши керак.

Товар белгисини ишлаб чиқиш, муҳофаза қилиш ва ишлатишга қанча маблағ сарфланиши мумкин?

Товар белгисини яратиш ва рўйхатдан ўтказиш учун сарфланадиган маблағларни ҳисобга олиш ва тегишлича бюджетда мўлжаллаш муҳим.

- Товар белгиси сифатида фойдаланиладиган логотип ёки сўзни ишлаб чиқиш учун ҳаражатлар бор, чунки кўп компаниялар бу иш учун махсус фирмалардан фойдаланадилар.
- Товар белгилари бўйича дастлабки қидирувни ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар бор (пастроққа қаранг).

- Рўйхатдан ўтказиш жараёни билан боғлиқ ҳаражатлар бор, индивидуаллаштириш учун рўйхатдан ўтказиш лозим бўлган синф ва синфларнинг сонига қараб бу ҳаражатларнинг миқдори ҳар хил бўлади. Асосан, патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари ёки уларни қайтариб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади²⁴. Агар, товар белгисининг эгаси, ўз белгисини Ўзбекистон Республикасида рўйхатга ўтказишдан ташқари, ўз белгисига ҳуқуқий муҳофазани чет элда ҳам олишни истаса, бу чиқимлар кўпаяди. Товар белгиси билан боғлиқ патент божлари ҳақидаги ахборот Давлат патент идорасининг веб-сайти - **www.patent.uz**да жойлаштирилган. Бошқа мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларнинг амалдаги патент божлари ҳақидаги ахборотни товар белгиси бўйича чет эл миллий идоралари ёки патент вакили (Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ёки чет эл патент вакили) тақдим этади.
- Белгини рўйхатдан ўтказиш учун маблакали патент вакили хизматидан фойдаланишни афзал кўрувчи компаниялар қўшимча ҳаражатлар қилишига тўғри келади, лекин улар рўйхатдан ўтказиш жараёнида талай вақт ва кучни тежайдилар.

²³ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 15-моддасининг биринчи қисми

²⁴ Ушбу Қонуннинг 33-моддаси

Танланган белги билан рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ўртасида ҳуқуқий низо келиб чиқмаслигини қандай билиш мумкин? Товар белгиси бўйича қидирув нимадан иборат?

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга талабнома беришдан аввал **товар белгиси бўйича дастлабки қидирувни** амалга ошириш лозим. Бу, сиз фойдаланмоқчи бўлган товар белгиси, ёки унга ўхшаш товар белгиси бошқа бир компаниянинг номига айнан бир хил ёки бир турдаги товарларга нисбатан рўйхатдан ўтказилмаганига ишонч ҳосил қилиш учун қилинади.

Товар белгиси бўйича қидирувни ўзингиз амалга оширишингиз ёки патент вакили хизматидан фойдаланишингиз мумкин. Қидирувни Давлат патент идорасида амалга оширишингиз ҳам мумкин. Бундай қидирув ҳақи ва тўлаш тартиби идоранинг **www.patent.uz** сайтида жойлаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади. Қидирув қандай кўринишда амалга оширилишидан қатъий назар, шуни ёдда тутиш керакки, бундай товар белгилари бўйича қидирув фақатгина дастлабкидир. Баъзида сиз танлаган белги мавжуд бўлган ва талаб даражасида рўйхатдан ўтказилган товар белгилари билан “аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш” эмаслигини ҳақида бир фикрга келиш осон эмас. Айнан, шунинг учун, идоранинг товар белгилари бўйича фаолияти ва суд қарорлари билан таниш малакали патент вакилидан маслаҳат олган жуда фойдалидир.

Шундай бўлса ҳам, вакилга мурожаат этишдан аввал, товар белгилари бўйича дастлабки қидирувни ўзингиз амалга оширишингиз учун, қандай маълумотлар базаларида бепул онлайн хизмати борлигини текшириш лозим.

Товар белгилари бўйича маълумотлар базалари ҳақидаги маълумотларни **Б И М Т н и н г в е б - с а й т и д а н <http://ecommerce/wipo/int/databases/trademark/>** манзили бўйича олишингиз мумкин.

Товар белгисига нисбатан индивидуаллаштирилиши лозим бўлган товарлар ва хизматлар Товарлар ва хизматлар таснифига мувофиқ гуруҳларга ажратилган (II иловада Халқаро тасниф тизимига қаранг). Шундай қилиб, танишувни товарлар ва хизматларнинг мавжуд бўлган 45 та синфидан бошлашингиз мумкин.

Таснифлашнинг қулай тизими

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тўлдирилаётганда кўп мамлакатларда сиз рўйхатдан ўтказаетган товар белгисининг мавжуд синфларга мувофиқ гуруҳланган товарлар ва ёки хизматларини кўрсатиш талаб этилади. Бу синфлар **товар белгилари таснифи тизими** синфларига мос келади. Товар белгилари таснифи тизими рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ҳақидаги маълумотларни товарлар ва хизматлар таснифига мувофиқ тартибга солинган кўринишда сақлаш имконини беради, бу товар белгилари бўйича маълумотлар базаларидан ахборотларни қидиришни сезиларли равишда осонлаштиради.

Товар белгисини сиз фойдаланмоқчи бўлган товарлар ва хизматларнинг барча синфларига нисбатан рўйхатдан ўтказиш муҳимдир.

Анча кенг фойдаланиладиган таснифлаш тизими Товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифидир (белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг Ницца таснифи деб

аталади), у товарларнинг 34 синфидан ва хизматларнинг 11 синфидан иборат. Ницца таснифи тизими ҳақидаги батафсил маълумот II иловада берилган. Шунингдек <http://wipo.int/classifications/en/nice/about/> га қаранг.

Мисол:

Товарлар қандай таснифланади? Мисолни кўриб чиқамиз. Агар компаниянгиз пичоқ ва вилкалар ишлаб чиқарадиган бўлса, унда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича талабномангиз 8 синф товарларини кўрсатган ҳолда тузилган бўлиши керак. Аммо, агар сиз шу белгидан фойдаланган ҳолда бошқа ошхона анжомларини ҳам ишлаб чиқаришни истасангиз (масалан, идишлар, товар-лар ёки кострюлкалар), уни 21 синф товарларига нисбатан ҳам рўйхатдан ўтказишингиз керак. Баъзи мамлакатларда товарларнинг ҳар бир синфи учун алоҳида талабнома бериш керак бўлади, бошқа мамлакатларда эса, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам битта талабномада биратўла бир нечта синфларни кўрсатиш мумкин.

Товар белгисига талабнома топшириладиганда патент вакили зарурми?

Ўзбекистонда, бошқа кўпгина мамлакатлар сингари, талабномани топшириш учун патент вакилининг хизматидан фойдаланиш мажбурий эмас ва сиз талабномани мустақил равишда топширишингиз мумкин. Аммо товар белгилари бўйича қидирув ўтказиш тажрибасига эга ва товар белгиларининг рўйхатдан ўтказилиш жараёнининг барча нозик томон-

лари билан таниш патент вакилининг хизматидан муҳим вақтни тежаш, товарларнинг мувофиқ синфларини тўғри кўрсатишни кафолатлаш ва рўйхатдан ўтказишни абсолют асослар бўйича рад этилишини олдини олиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Агар сиз товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномани чет элда топширадиган бўлсангиз, унда шу мамлакатда яшайдиган патент вакилининг хизматидан фойдаланишингиз мажбурий равишда талаб қилиниши мумкин.

Давлат патент идораси ва товар белгилари бўйича ҳорижий идоралар ўз веб-сайтларида вакилларга эҳтиёжи ҳақидаги ахборотларни ва расмий рўйхатдан ўтган патент вакиллари рўйхатини тақдим этадилар (I иловага қаранг).

Рўйхатдан ўтказилган товар белгиси канча муддат муҳофаза қилинади?

Муҳофазанинг амал қилиш муддати ҳар хил бўлса-да, кўп мамлакатларда рўйхатдан ўтказилган товар белгиси 10 йил мобайнида муҳофаза қилинади. Худди Ўзбекистонда сингари, ҳорижий мамлакатларда ҳам рўйхатдан ўтказилган товар белгисининг амал қилиш муддати чексиз маротаба, узайтириш учун божни ўз вақтида тўлашлик шarti билан, узайтирилиши мумкин (қоидага кўра, ҳар сафар 10 йилга). Компаниянгизда товар белгилари муҳофазасининг амал қилиш муддатини бизнесингиз учун қизиқиш уйғотадиган барча мамлакатларда ўз вақтида узайтиришга масъул шахс бўлишини кўзда тутинг.

Товар белгисини яратиш учун ихтисослаштирилган ташкилотлардан фойдаланиш

Товар белгисини ишлаб чиқиш ижодий жараёндир. Кўп мамлакатларда уни ишлаб чиққан мутахассис автоматик равишда ижодий ёки бадий асар, масалан товар белгисини бадий безаш учун муаллифлик ҳуқуқини олади. Шунинг учун, агар товар белгисини яратиш ихтисослаштирилган ташкилотларга топширилса, муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларни тузиладиган шартномада ҳал қилиб олишингиз ва/ёки товар белгисига муаллифлик ҳуқуқи сизнинг компаниянгизга ўтишига ишонч ҳосил қилишингиз лозим.

Бир мамлакатда рўйхатга ўтказилган товар белгиси бошқа мамлакатларда амал қиладими?

Товар белгисини рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келадиган ҳуқуқлар, қоидага кўра, улар тақдим этилган ҳудуд билан чегараланган. Шундай қилиб, Давлат патент идорасида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси фақат Ўзбекистонда амал қилади. Ҳаммага маълум товар белгилари истисно ҳисобланади, лекин қандайдир мамлакатнинг ҳудудида уларнинг амал қилиши учун, улар бу мамлакатда ҳаммага маълум товар белгиси сифатида тан олинишлари керак²⁵ (ҳаммага маълум товар белгилари ҳақида ахборотни қуйида 21 -бетда қаранг).

Товар белгисини ҳорижда муҳофаза қилиш керакми?

Товар белгисини Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказиш учун асосий сабаблар маҳсулотингизнинг ҳориж бозорида ҳам тижорат қилиши учун қўлланиши мумкин.

Шунинг учун, агар сиз ҳозирда экспорт билан шуғулланаётган бўлсангиз ёки келажакда бундай ниятингиз бўлса, товар белгисини ҳорижда рўйхатдан ўтказишингиз мақсадга мувофиқ. Фарқлаш хусусиятига эга товар белгиси бўлган товарлар экспорти ҳориж бозорида сизнинг экспорт маҳсулотингизни ажратиш имконини беради, бу компаниянгизга ҳорижий истеъмолчилар орасида репутация ва имиджга эга бўлишига, компания даромадини ошишига сабаб бўлади.

Товар белгисини ҳорижда қандай рўйхатдан ўтказиш мумкин?

Агар сизнинг компаниянгиз Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган бўлса, сиз компаниянгизнинг товар белгисини Ўзбекистонда, яъни у жойлашган ерда рўйхатдан ўтказдингиз, ва ҳозирда сиз экспортни амалга оширмоқчисиз, ёки бошқа мамлакатларда товар белгисидан фойдаланиш учун лицензия бермоқчисиз, бунда товар белгисини ҳорижда рўйхатдан ўтказиш тавсия этилади²⁶. Бунинг учун 3 та асосий йўл мавжуд.

Миллий процедура: сизнинг компаниянгиз муҳофаза олишни истаган барча мамлакатларнинг товар белгилари бўйича идораларига, керакли тилда ёзилган талабномани топшириш ва зарур божларни тўлаш йўли билан мурожаат қилиши мумкин. Юқорида кўрсатилгандек, ҳар бир мамлакат маҳаллий патент вакилларига мурожаат қилиш зарурияти ҳақида айтиб ўтиши мумкин.

²⁵ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 32¹-моддаси

²⁶ Ушбу Қонуннинг 35-моддаси

Халқаро процедура: Ўзбекистон Республикаси Мадрид тизимининг иштирокчи-мамлакатлари қаторига қўшилди, хусусан, Мадрид битими Баённомасининг қатнашчисидир. Шу сабабли, агар бу тизимнинг иштирокчи-мамлакатларида товар белгисини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлсангиз, товар белгингиз Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган бўлса ёки сиз уни рўйхатдан ўтказиш учун Давлат патент идорасига талабнома топширган бўлсангиз Мадрид тизимидан фойдаланишингиз мумкин (унинг маъмурий ишларини БИМТ бажаради). Шу билан бирга шуни билиш муҳимки, муҳофазани фақат Мадрид битими Баённомасининг қатнашчи-мамлакатларидагина олишингиз мумкин.

Мадрид тизимидан фойдаланишнинг афзалликлари

Мадрид тизимидан фойдаланишнинг асосий афзаллик томонлари шундаки, товар белгисининг эгаси ўз белгисини тизимнинг барча иштирокчи-мамлакатларда

- бир тилда;
- битта халқаро талабнома топшириш;
- битта божни тўлаш ва белгиланган муддатга риоя қилиш

орқали рўйхатдан ўтказиши мумкин.

Шундан сўнг халқаро рўйхатдан ўтказилиши ва ягона процедура ёрдамида узайтирилиши мумкин.

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги батафсил маълумотларни давлат патент идрасининг **www.patent.uz** сайтидан ёки БИМТ нинг **www/wipo/int/madrid** манзил бўйича веб-сайтидан олишингиз мумкин. Мадрид тизимининг барча иштирокчи-мамлакатларининг рўйхати III иловада берилган.

Регионал процедура: шунингдек, муайян шароитларда товар белгиларининг регионал тизими аъзоси бўлган мамлакатларда муҳофазани олиш имконияти мавжуд. Бундай ҳуқуқий муҳофазани сўраш тегишли регионал идорага талабномани топшириш йўли билан амалга оширилади, у бошқа барча давлатларнинг ҳудудларида амал қилади. Товар белгилари бўйича регионал идоралар қаторига қуйидагилар киради:

- Африка саноат мулки регионал идораси.
- Бенилюкс товар белгилари бўйича идораси.
- Европа иттифоқи ички бозорини уйғунлаштириш идораси.
- Африка интеллектуал мулк ташкилоти.

3. Белги турлари

Товар белгилари	Бир юридик ва жисмоний шахсларнинг товарларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлашга хизмат қиладиган белги
Хизмат кўрсатиш белгилари	Бир юридик ва жисмоний шахсларнинг кўрсатадиган хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг кўрсатадиган шу турдаги хизматларидан фарқлашга хизмат қиладиган белги
Жамоавий белгилар	Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси
Сертификатлаш белгилари	Стандартларга мос ва сертификацияловчи орган томонидан сертификацияланган товарлар ва хизматларни фарқлаш учун фойдаланиладиган белгилар.
Ҳаммага маълум белгилар	Мазкур шахснинг товарларига нисбатан интенсив фойдаланилиши натижасида Ўзбекистон Республикасида тегишли истеъмолчилар орасида кенг маълум бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасида ваколатли орган (Ўзбекистон Республикасида – бу Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши) томонидан ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилган товар белгилари ва белгилар.

Хизмат кўрсатиш белгиси нима?

Хизмат кўрсатиш белгиси моҳиятига кўра товар белгиси билан жуда ўхшаш. Улар иккови фарқлаш хусусиятига эга белги ҳисобланади. Товар белгилари бир компаниянинг товарларини бошқа компанияларнинг товарларидан фарқлаш учун хизмат қилади, хизмат кўрсатиш белгилари эса, худди шу функцияни хизматларга нисбатан амалга оширади. Хизматлар турли хил бўлади, булар молиявий, банк, туристик, рекламага оид ёки овқатлантиришни ташкиллаштириш бўйича хизматлар ва бошқа Хизмат кўрсатиш белгилари худди товар белгиларидек шундай қоидалар ва тартиб бўйича

рўйхатдан ўтказилиши, узайтирилиши, бекор қилиниши, лицензия бўйича воз кечилиши ва ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Мисол:



№ MGU 13654 гувоҳнома эгаси
"SKRIN" хусусий фирмаси рухсати
билан

Жамоавий белги нима?

“Оддий” индивидуал товар белгисидан фарқли равишда жамоавий белгининг эгаси бир нечта шахсларнинг бирлашмасидир (ҳам жисмоний, ҳам юридик). Жамоавий белги бирлашма аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган бир турдаги маҳсулотни маркалаш учун мўлжалланган, бунда маҳсулот бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлиши шарт қилиб олинади. Бирлашма аъзолари, ўз маҳсулотларини маркалаш баробарида, жамоавий белги қаторида ўз индивидуал товар белгисидан фойдаланиши ҳам мумкин. Жамоавий белги низомида жамоавий белгидан фойдаланиши ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати, товар белгисидан фойдаланишнинг мажбурий талаблари кўрсатилган. Товарларнинг рўйхати ва бир хил хусусиятлари ёки бошқа умумий хусусиятларининг тавсифидан ташқари, низом жамоавий белгидан фойдаланишни назорат қилиш тартиби қоидалари ва жамоавий белги низомини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида қоидаларини ҳам ўзичига олади. Жамоавий белгига ҳуқуқ учинчи шахсларга ўтказилиши ва лицензия шартномаси тузилиши мумкин эмас. Жамоавий белгилар истеъмолчилар томонидан эътироф этиладиган ва/ёки асосий дистрибьюторлар томонидан фойдаланадиган, ўзлари алоҳида ўз белгисини яратиши қийин бўлган корхоналар гуруҳи учун маҳсулотни самарали реализация қилиш имконини беради.

Сертификатлаш белгилари нима?

Сертификатлаш белгилари маълум стандартларга мос келиш мақсадида қўлланади, лекин улар ҳеч қандай аъзолик билан чегараланмаган. Улардан маҳсулоти белгиланган стандартларга мос келадиган ҳар қандай шахс фойдаланиши мумкин. Кўп мамлакатларда жамоавий белги билан сертификатлаш белгисининг орасидаги фарқ шундаки, биринчиси фақат корхоналарнинг маълум гуруҳи, яъни ассоциация (бирлашма) аъзолари томонидан фойдаланилиши мумкин, сертификатлаш белгилари эса уларнинг эгаси томонидан белгиланган стандартларга риоя қилган ҳар бир шахс томонидан фойдаланилиши мумкин. Сертификатлаш белгиларига қўйиладиган асосий талаб шундан иборатки, уни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширган шахс тегишли маҳсулотнинг сифатини “тасдиқлаш учун ваколатга эга” деб ҳисобланиши керак.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда “сертификатлаш белгиси”²⁷ атамаси ўрнига “мувофиқлик белгиси” атамаси қўлланилади. Муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги.

Сертификатлаштириш органи томонидан маҳсулотнинг белгиланган қоидаларга мувофиқлиги тасдиқлангандан сўнг мувофиқлик сертификати берилади, унга асосланиб ишлаб чиқарувчи ўз мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

²⁷ 1006-XII сонли 28.12.1993 йилдаги «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Ҳаммага маълум белгилар нима?

«Ҳаммага маълум белгилар» – бу белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ёки товар белгиси сифатида фойдаланиладиган, лекин ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган, мамлакатда ҳаммага маълум товар белгилари сифатида эътироф қилинган белгилардир. Бундай эътироф турли мамлакатларда турлича амалга оширилади. Ўзбекистонда белгини ҳаммага маълум деб Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тан олади. Ҳаммага маълум белгилар анча қаттиқ муҳофазага эга. Масалан, ҳаммага маълум белгилар рўйхатдан ўтказилмаган бўлсалар ҳам муҳофаза қилинадилар (ёки, агар ушбу территорияда фойдаланилмаган, лекин бошқа мамлакатларда интенсив равишда фойдаланилган бўлса). Бундан ташқари, одатда бошқа белги билан аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш белгилар айнан бир хил ёки бир турдаги белгиларга нисбатан ишлатилгандагина белгилар муҳофаза қилинади, ҳаммага маълум белгилар кўпинча бир турда бўлмаган товарларга нисбатан фойдаланилган бошқа белги билан аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш белгиларга нисбатан ҳам маълум талабларга риоя қилган ҳолда муҳофаза қилинади. Бундай кучли муҳофазанинг асосий мақсади компаниялар томонидан ҳақсиз равишда ҳаммага маълум белг-ининг обрўсидан фойдаланиши ва/ёки унинг машҳурлиги ва нуфузига путур етказишини олдини олиш.

Мисол:

Тасаввур қиламиз, «WONDERCOLA» - бу таниқли салқин ичимликнинг товар белгиси. Бу ҳолда «Wondercola Inc.» ҳаммага маълум белгилар анча кучли муҳофаза қилинадиган ва бу белги салқин

ичимликларга нисбатан таниқли бўлган мамлакатларда беихтиёр муҳофазага эга бўлади. Муҳофаза шунингдек бир турда бўлмаган товарлар ва хизматларга нисбатан, баъзи талабларга риоя қилган ҳолда тадбиқ этилади. Яъни, агар бошқа компания бошқа маҳсулотни, футболкалардан тортиб куёшдан ҳимояловчи кўзойнақларигача WONDERCOLA белгиси-дан фойдаланган ҳолда бозорга чиқарса, у Wondercola Inc.нинг руҳсатини олиши керак, ёки товар белгиси ҳуқуқини бузганлик тўғрисида унга қарши қўзғатилган суд даъвосига жавоб беришига тўғри келади.

4. Товар белгингиздан фойдаланиш

Товар белгисини ундан фойдаланмасдан рўйхатдан ўтказиш мумкинми?

Сиз талабномани рўйхатдан ўтказиш учун товар белгисидан фойдаланишингиздан аввал топширишингиз мумкин, лекин баъзи мамлакатлар ундан фойдаланилаётганингизни исботловчи ҳужжатни тақдим қилмагунингизча уни рўйхатдан ўтказмайдилар (масалан АҚШда). Ўзбекистонда товар белгисини Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундан фойдаланаётганингиз ҳақида далил талаб қилинмайди. Бу билан бирга, шуни билиш зарурки, кўп мамлакатларда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг товар белгисидан маълум муддат орасида фойдаланилмаган бўлса ҳам (қоидага кўра 3 йилдан 5 йилгача), товар белгилари реестридан чиқариб ташланади. Ўзбекистонда бу муддат 5 йилдан иборат.

ТМ ёки ® ?

Ўзбекистонда, бошқа кўпгина мамлакатлардаги сингари, товар белгиси билан бир қаторда ® ишораси туради. У айлана ичига олинган ёки айланасиз бўлиши мумкин. Бу ишора огоҳлантирувчи тамға – товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазаси белгисидир. Товар белгисининг эгаси учун ундан фойдаланиш мажбурий эмас²⁸. Баъзи мамлакатларда ® ишораси билан бир қаторда ТМ, SM ёки эквивалент ишоралар қўлланади. Уларни қўллаш ҳам мажбурий эмас, ва, қоидага кўра қўшимча муҳофазани бермайди. Шунга қарамай, бу - бошқа шахсларга бу белги товар белгиси эканлиги ҳақида хабар бериш ва ҳуқуқни бузмоқчи бўлганлар ва контрафакция билан шуғулланадиганларни огоҳлантиришнинг қулай йўли. ® ишорасидан товар белгиси рўйхатдан ўтказилганидан сўнг фойдаланилади, бу вақтда ТМ ишораси бу белги фойдаланилаётган (лекин рўйхатдан ўтказилмаган) товар белгиси эканлигини кўрсатади. Хизмат кўрсатиш белгилари учун баъзида SM ишораси қўлланади.

Товар белгисидан рекламада қандай фойдаланиш керак?

Агар белгингиз рўйхатдан ўтказилган ва ўзига хос тасвирий элементлар ва шрифтлардан иборат бўлса, товар белгиси худди шундай кўринишда қўлланаётганига амин бўлинг. Ундан фойдаланишларини диққат билан кузатиб боринг, чунки бу компаниянгиз маҳсулотининг имиджини сақлаш учун жуда муҳимдир. Шунингдек, товар белгисининг сўз элементи сифатида оддий от ёки феълдан фойдаланишдан қочиш лозим, бу истеъмолчилар томонидан маълум турдаги товарларни билдириш учун

кўпчилик ишлатадиган атама сифатида қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Масалан, «вазелин», «примус», «целлофан» сўзлари ўз вақтида муҳофаза қилинадиган товар белгилари бўлган.

Турли хил товарлар учун битта товар белгисини қўллаш мумкинми?

Компаниялар ўзларининг маҳсулотларининг турли хил линиялари учун ҳар хил товар белгиларидан фойдаланишлари мумкин. Брендни бозорга чиқариш стратегиясига қараб, ҳар бир компания ўзининг барча маҳсулотларига нисбатан янги товарлар ишлаб чиқариш бароварида унинг ҳаракатини кенгайтира бориб умумий товар белгисидан ёки ҳар бир маҳсулот линияси учун турли белгилардан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилади.

Янги маҳсулотга нисбатан аввалдан мавжуд бўлган белгидан фойдаланиш, унга белгининг имидж ва репутациясидан фойдаланиш имконини беради. Бироқ, янги маҳсулотга янада муносиб бўлган янги белгидан фойдаланиш ҳам фойдали бўлиши ва компанияга ўзининг янги товарини мақсадга мувофиқ равишда истеъмолчиларнинг маълум гуруҳига қараб йўналтириш (масалан, болаларга, ўсмирларга ва бошқ.) имконини бериши ёки маҳсулотнинг янги ассортименти учун ўзгача имидж яратиши мумкин. Кўп компаниялар мавжуд бўлган брендлар билан биргаликда янгисини ҳам яратадилар. Турли хил компаниялар турлича стратегиялар қўллайдилар. Қайси бирини танлашингиздан қатъий назар, сиз фойда-

²⁸ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 29-моддаси

ланилаётган ёки фойдаланмоқчи бўлган товар белгиси барча товарлар ва/ёки хизматларга нисбатан рўйхатдан ўтказилганига ишоч ҳосил қилишингиз керак.

Товар белгисини Интернетда қўллаганда нимани ёдда тутиш лозим?

Товар белгиларини Интернетда қўллаш бир қатор ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқардики, уларга нисбатан оддий ёки умумий ечим мавжуд эмас. Муҳим муаммолардан бири шундаки, товар белгиларига ҳуқуқ ҳудудий характерга эга (яъни улар фақат товар белгиси рўйхатдан ўтказилган ва фойдаланадиган мамлакатнинг ҳудудидагина муҳофаза қилинади), Интернет эса глобал тармоқдир. Бу турли мамлакатларда айнан бир хил ёки бир турдаги товарларга нисбатан рўйхатдан ўтказилган айнан бир хил ёки аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш товар белгиларига қонунга мувофиқ эгалик қилувчи шахслар ёки компаниялар ўртасидаги бахсларни ҳал қилишда муаммолар келтириб чиқаради. Бу соҳада қонунлар ишлаб чиқилмоқда, бу масалани ҳал қилишда турли мамлакатлар турли чораларни қўлламоқдалар.

Домен номи нима ва товар белгиларига унинг қандай алоқаси бор?

Бошқа жиддий муаммо товар белгилари ва **домен номлари** орасидаги зиддиятлар билан боғлиқ. Домен номлари – бу Интернетдаги веб-сайтларни қидириш учун қўлланадиган манзиллар. Масалан, «wipo.int» домен номи БИМТ веб сайтини <http://www.wipo.int> манзил бўйича қидириш учун қўлланади. Вақт ўтган сайин домен номлари корхоналарнинг индивидуаллаштирилган кўрсат-

кичларига айланиб қолдилар ва шунинг учун товар белгилари билан зиддиятларга дуч келдилар.

Шунинг учун домен номини танлашда шуниси муҳимки, у бошқа компанияга тегишли бўлган товар белгиси, айниқса, ҳаммага маълум товар белгиси бўлмаслиги керак. Бу шунинг учунки, кўп мамлакатларда миллий қонунчилик ёки судлар бошқа компанияга ёки шахсга тегишли бўлган товар белгисининг домен сифатида рўйхатдан ўтказилишини товар белгиси ҳуқуқларини бузилиши - «киберсквоттинг» сифатида кўрадилар. Агар шундай бўлса, сизнинг компаниянгиз нафақат домендан фойдаланишдан воз кечиши ва янги домен номидан фойдаланиш ҳуқуқини олиши, балки етказилган зарар ўрнини тўлдириши ёки маълум жаримани тўлаши керак.

Маълум белгининг муҳофаза қилинаётгани ҳақида маълумот учун бевосита товар белгилари бўйича ҳорижий ёки регионал идораларга, Давлат патент идорасига мурожаат қилишингиз ёки патент вакилининг хизматидан фойдаланишингиз мумкин, уларнинг кўпчилиги Интернет орқали қидирув олиб бориш учун товар белгилари бўйича маълумотлар базасига кириш ҳуқуқини беради. Шундай маълумотлар рўйхати БИМТнинг <http://ecommerce.wipo.int/databases/trademark/index.html> сайтида бор.

Бошқа томондан, агар сизнинг компаниянгизга тегишли товар белгиси бошқа шахс ёки компания домен номида фойдаланилса ёки «киберсквоттинг»га йўлиқса, сиз бундай қонунга ҳилоф фойдаланиш/компаниянгиз ҳуқуқини бузишни тўхтатиш учун ҳаракат қилишингиз, жумладан судга мурожаат қилишингиз мумкин. Шунингдек, бундай ҳолларда БИМТ томонидан таклиф этила-

диган вариантлардан бири домен номлари билан боғлиқ бахсларни онлайн режимида тартибга солувчи жуда оммабоп процедура: <http://arbiter.wipo.int/domains>ни қўллашдир. БИМТ сайтининг бу саҳифаси шундай ишни қўриб чиқиш учун мурожаат намунаси, шунингдек домен номлари билан боғлиқ қўриб чиқилган минглаб ишлар кўрсаткичидан иборат.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳақидаги лицензияни бошқа компанияларга бериш мумкинми?

Товар белгисидан фойдаланиш ҳақидаги лицензияни сиз бошқа юридик ва жисмоний шахсларга беришингиз мумкин. Бу ҳолда, товар белгисининг эгаси товар белгисига мутлақ ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади ва фақатгина бир ёки бир нечта шахснинг белгидан фойдаланишига розилик беради. Бу, одатда лицензия чегирмалари (роялти)ни тўлаш билан амалга оширилади ва қоидага кўра, лицензия шартномасида келишиб олинган шартлар асосида товар белгиси эгасининг розилигини олиш билан боғлиқ. Шартноманинг қандайлигига қараб лицензиар (лицензия берувчи томон) товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек бошқа шахсларга лицензиялар бериш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши мумкин. Ўзбекистонда лицензия шартномасининг мажбурий шarti қилиб ишлаб чиқарилаётган лицензион маҳсулотнинг сифатини таъминлаш учун лицензиат (товар белгиси эгаси) томонидан уни назорат қилиб туриши кўрсатилган.

Амалда товар белгисидан фойдаланиш лицензиялари анча кенгроқ лицензия шартномалари доирасида берилади, яъни франшиза (тижорат концессияси)

ҳақидаги шартномалар ёки интеллектуал мулкка оид бошқа ҳуқуқларни, хусусан, патентлар, ноу-хауларни ва маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда техник ёрдам кўрсатишни лицензиялашни кўзда тутадиган шартномалар.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши ва белгиланган патент божи тўланиши керак. Рўйхатдан ўтказилмаган шартнома қонуний кучга эга бўлмайди.

Франшиза ҳақидаги шартнома ва товар белгилари орасида қандай боғлиқлик бор?

Ўзбекистонда товар белгисини лицензиялаш **комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг)**²⁹ шартномасининг асосий шarti ҳисобланади. Франшизинг ҳақидаги шартномада товар белгиси эгаси томонидан шартноманинг бажарилишини назорат қилиш даражаси одатда товар белгиларини лицензиялаш шартномасидан баландроқ. Франшизинг ҳақидаги шартнома тузилганда, унинг эгаси лицензияни олувчига фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқи ва муҳофаза қилинадиган тижорат ахбороти, шунингдек бошқа мутлақ ҳуқуқлар объектлари (товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва бошқ.)дан иборат мутлақ ҳуқуқлар мажмуасини (лицензион мажмуа) шартномада келишилган ҳақ эвазига беради.

²⁹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.11.2010 йилдаги № 244 - сонли Қарори

Белгингизга бўлган ҳуқуқлар бошқа компанияга сотилганда ёки ўтказилганда қандайдир чекловлар борми?

Товар белгисига оид ҳуқуқни ўзи тегишли бўлган компаниядан алоҳида сотиш ёки ўтказиш тобора кенг тарқалмоқда. Товар белгисига оид ҳуқуқни сотиш ёки ўтказиш ҳолларида шартноманинг ёки унинг баъзи қисмлари нусҳасини товар белгилари бўйича идорага тақдим этиш талаб этилиши мумкин.

Ўзбекистонда товар белгисига оид ҳуқуқни эркин ўтказиш кўзда тутилган, бу ҳолда товар бедгисидан фойдаланаётган корхонанинг ушбу белгига бўлган ҳуқуқдан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мажбурий эмас. Шу билан бирга товар белгисига оид ҳуқуқни ўтказиш маълум шартлар билан амалга оширилади. Агар истеъмолчини товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалғитадиган сабаб бўлса товар белгисига оид мутлақ ҳуқуқни ўтказишга йўл қўйилмайди³⁰. Масалан, агар белги муҳофаза қилинмайдиган элемент сифатида географик номга эга бўлса, бу товар белгисига оид ҳуқуқни ўтказиш истеъмолчини чалғитиши мумкин, чунки у бу номни товар келиб чиққан жой номи сифатида қабул қилиши мумкин, бу эса ҳақиқатга тўғри келмайди.

Товар белгисига киритилган кичик ўзгартиришларни ҳам рўйхатдан ўтказиш шартми?

Кўп товар белгилари, баъзи ҳаммага маълум белгилар ҳам, вақт ўтган сайин анча ўзгарадилар ёки компаниянинг янги замонавий имиджини яратиш ёки янги реклама воситаларига мослашиш мақсадида ривожланадилар. Белгилар ўзга-

риши ёки мослашиши мумкин, лекин сизнинг компаниянгиз жуда зийрак бўлиши ва товар белгилари бўйича идора ёки патент вакили билан бундай ўзгариш янги талабнома топширишни тақозо қиладими ёки у ёки бу кўринишдаги божни тўлаб, товар белгисининг алоҳида элементларига унинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда ўзгартиришлар киритиш³⁰ мумкинми деган масала бўйича маслаҳат олиши лозим.

5. Товар белгисига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимояси

Товар белгисидан бошқа шахслар сизнинг рухсатингизсиз фойдаланганда қандай йўл тутиш лозим?

Товар белгиларига ҳуқуқларни муҳофаза қилиш бўйича олиб бориладиган ишлар асосан товар белгиси эгасининг зиммасида. Айнан сизнинг компаниянгиз, товар белгисининг эгаси сифатида бундай қонунбузарликларни аниқлаши ва ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун қандай чоралар кўриши кераклигини ҳал қилиши лозим.

Агар кимдир сизнинг товар белгингизга бўлган ҳуқуқларни бузаётган бўлса, мутахассис маслаҳатини олган доимо фойдали. Интеллектуал мулк соҳасида мутахассис бўлган юрист шундай ваколатли шахс ҳисобланади, у контрафакция ва ҳуқуқларни бузилишига қарши ишни очиш учун сизнинг мамлакатин-

³⁰ «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 29-моддасининг иккинчи қисми

³¹ Ушбу Қонуннинг 29-моддасининг биринчи қисми

гизда ва, эҳтимол, қўшни давлатларда мавжуд бўлган имкониятлар ҳақида ахборот беради ва ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун мавжуд бўлган чоралар бўйича маслаҳат беради.

Агар сиз товар белгингизга нисбатан ҳуқуқларингизни **бузилишига** дуч келсангиз, тахмин қилинган бузғунчи номига даъво-хатини (“ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳаракатни давом эттиришни таъқиқлаш тўғрисида хат” номи билан машҳур) йўллашингиз ва шундай ҳуқуқ бузилиши ҳақида уни огоҳлантиришингиз лозим. Хат матнини тузиш учун товар белгилари бўйича мутахассис хизматидан фойдаланиш маслаҳат берилади.

Сизнинг мутлақ ҳуқуқларингиз бузилгани аниқ бўлса, судга ўз ҳуқуқларингизни ва қонуний манфаатларингизни ҳимоя қилиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожат қилишингиз мумкин. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қонунчилигида товар белгилари эгаларининг мутлақ ҳуқуқларини муҳофаза қилишининг қатор усуллари мавжуд, хусусан тайёрланган товар белгисининг тасвирини йўқ қилиш, қонунга ҳилоф равишда фойдаланилаётган товар белгиси ва аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш белгини товардан ёки унинг ўров қоғозидан ўчириш, йўл қўйилган ҳуқуқни бузиш ҳолати ҳақида бузилган ҳуқуқ кимга тегишли эканлиги ҳақида маълумотлар билан бирга эълон қилиш.

Товар белгиси эгаси томонидан ҳимоянинг муайян усулини танлаш ҳуқуқбузарликнинг характерига боғлиқ. Сиз бузғунчига қарши ўзингизнинг манфаатларингизга жавоб берадиган ёки амалда қўллаш осон бўлган жазони танлаш ҳуқуқига эгасиз.

Товар белгиси билан қонунга ҳилоф равишда тамғаланган **контрафакт товарларнинг импортини** тўхтатиш мақсадида, мамлакат божхона органлари давлат чегараларида товар белгилари эгаларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича белгиланган чораларни кўрадилар. Товар белгисининг эгаси бўла туриб, сизнинг компаниянгиз контрафакт маҳсулот чегарадан ўтмасдан, яъни бу товарлар мамлакатга киришидан аввал божхона органларининг ёрдамидан фойдаланиши мумкин. Божхона органлари томонидан ёрдам товар белгилари эгаси томонидан бир қатор дастлабки ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади: Тегишли талабномани топшириш, кўзда тутилган тўловларни тўлаш, божхона реестрига интеллектуал мулк объектларини кириштириш, бунинг учун божхона органларига мурожаат қилишингиз лозим.

Баъзи ҳолларда ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг самарали йўли **арбитраж ёки ҳакамликдир**, булар Ўзбекистонда ҳали кенг тарқалмаган. Арбитраж, қоидага кўра бир қанча устунликларга эга, у судда кўриладиган ишга қараганда унча расмий эмас, анча қисқа ва арзон процедура бўлиб, арбитраж ҳукми халқаро даражада осон бажарилади. Ҳакамликнинг афзаллик томони шундаки, томонлар бахсни ҳал қилиш жараёни назоратини сақлаб қоладилар. Шундайлигича, у компаниянгиз келажакда ҳамкор бўлмоқчи бўлган бошқа корхона билан иш муносабатларини сақлашга ёрдам беради. Арбитраж ва ҳакамлик масалалари бўйича қўшимча маълумот учун БИМТ Марказининг арбитраж ва ҳакамлик бўйича сайтига қаранг: <http://arbiter.wipo.int/center/index.htm>.

Илова I

Товар белгилари бўйича миллий ва регионал идоралар веб-сайтлари

Жазоир	http://www.inapi.org
Андорра	http://www.omp.a.ad
Аргентина	http://www.inpi.gov.ar/
ARIPO (Африка саноат мулки регионал ташкилоти)	http://www.aripo.wipo.net/
Арманистон	http://www.armpatent.org
Австрия	http://www.patent.bmwa.gv.at/
Австралия	http://www.ipaustralia.gov.au/
Барбадос	http://www.caipo.org
Белиз	http://www.belipo.bz
Бельгия	http://www.european-patent-office.org/patlib/country/belgium
Бенилюкс (Бенилюкс мамлакатларининг товар белгилари идораси)	http://www.bmb-bbm.org/
Боливия	http://www.senapi.gov.bo
Босния ва Герцеговина	http://www.bih.net.ba/-zsmp
Бразилия	http://www.inpi.gov.br
Болгария	http://www.bpo.bg/
Канада	http://opic.gc.ca
Хитой	http://www.sipo.gov.ch
Хитой (товар белгилари)	http://www.saic.gov.ch
Хитой (Гонконг-ОАР)	http://www.info.gov.hk/ipd
Чили	http://www.proind.gov.cl
Колумбия	http://www.sic.gov.co
Коста-Рика	http://www.registracion.go.cr
Хорватия	http://pubwww.srce.hr/patent
Куба	http://www.ocpi.cu
Чехия Республикаси	http://www.upv.cz
Корея Халқ-Демократик Республикаси	http://www.epa.ee
Дания	http://www.dkpto.dk/
Доминикан Республикаси	http://www.seic.gov.do/onapi/
Миср	http://www.egypo.gov.eg
Эстония	http://www.epa.ee
Европа патент идораси	http://www.eapo.org
Европа иттифоқи ички бозорни уйғунлаштириш идораси – ОНІМ	http://oami.eu.int/
Финляндия	http://www.finlex.fi
Франция	http://www.inpi.fr
Грузия	http://www.sakpatenti.org.ge/
Германия	http://www.dpma.de
Греция	http://www.ggr.gr
Венгрия	http://www.hpo.hu/
Исландия	http://www.els.stjr.is
Ҳиндистон	http://www.patentoffice.nic.in
Индонезия	http://www.dgip.go.id
Ирландия	http://www.patentsoffice.ie
Исроил	http://www.justice.gov.il/rasham+haptentinm/default.asp

Италия	http://www.european-patent-office.org/it/
Япония	http://www.jpo.jp
Иордания	http://www.mit.gov.jo
Қозоғистон	http://www.kazpatent.kz -
	http://www.kazpatent.org
Кения	http://www.kipo.ke.wipo.net
Қирғизистон	http://www.krygyzpatent.kg
Лаос Халқ-Демократик Республикаси	http://www.stea.la.wipo.net/index.html
Литва	http://www.vpb.lt/
Люксембург	http://www.etat.lu/ec/
Макао	http://www.economia.gov.mo
Малайзия	http://kpdnhq.gov.my
Мексика	http://www.impi.gob.mx/
Монако	http://www.european-patent-office.org/patlib/country/monaco/
Монголия	http://www.mongol.net/ipom
Марокко	http://www.ompic.org.ma/
Нидерландия	http://www.bie.minez.nl
Нидерландия Антиль ороллари	http://.bureau-intellectual-property.org/
Непал	http://www.ip.np.wipo.net
Янги Зеландия	http://www.iponz.govt.nz
Норвегия	http://www.patentstyret.no
Африка интеллектуал мулк ташкилоти (OAPI)	http://www.oapi.wipo.net/
Панама	http://www.mici.gob.pa/comintf.html
Перу	http://www.indecopi.gob.pe/
Филиппин	http://www.ipophil.gov.ph/
Польша	http://www.uprp.pl/
Португалия	http://www.inpi.pt/
Конго Республикаси	http://www.anpi.cg.wipo.net
Корея Республикаси	http://kipo.go.kr
Македония Республикаси	http://www.ippo.gov.mk/
Молдова Республикаси	http://www.agepi.md/
Руминия	http://www.osim.ro
Россия Федерацияси	http://www.rupto.ru
Сербия ва Черногория	http://yupat.sv.gov.yu
Сингапур	http://www.ipos.gov.sg
Словакия Республикаси	http://www.indprop.gov.sk
Словения	http://www.uil-sipo.si/
Испания	http://www.oepm.es
Швеция	http://www.prv.se
Швейцария	http://www.ige.ch
Тожикистон	http://www.tipat.org
Таиланд	http://www.ipthailand.org
Турция	http://www.turkpatent.gov.tr
Украина	http://www.spou.kiev.ua
Бирлашган Қиролликлар	http://www.patent.gov.uk
Америка Қўшма Штатлари	http://www.uspto.gov
Уругвай	http://www.dnpi.gub.uy
Ўзбекистон	http://www.patent.uz
Венесуэла	http://www.sapi.gov.ve
Югославия	http://www.yupat.sv.gov.yu

Илова II

Ницца битими бўйича товарларни рўйхатдан ўтказиш учун товар ва хизматлар халқаро таснифи

ТОВАРЛАР

1. Саноат ва илмий мақсадларда фото сурат олишда, қишлоқ хўжалигида, боғдорчилик ва ўрмончиликда фойдаланишга мўлжалланган кимёвий маҳсулотлар; ишлов берилмаган синтетик қатронлар, ишлов берилмаган пластик материаллар; ўғитлар, оловни ўчириш учун таркиблар, металлларни тоблаш ва кавшарлаш учун препаратлар; озиқ-овқат маҳсулотларини консервалаш учун препаратлар; тери ошловчи моддалар; саноат мақсадлари учун елимловчи моддалар.
2. Бўёқлар, алиф мойлари, локлар; металлларни занглашдан ва тахта-ёғочларни чиришдан сақловчи химоя воситалари; бўёқ моддалари; тезоблар; ишлов берилмаган табиий қатронлар; бадиий-декоратив мақсадларда ва бадиий босма нашрлар учун ишлатиладиган тахтали ва кукунсимон металллар.
3. Оқартириш учун препаратлар ва кир ювиш учун бошқа моддалар; тозалаш, сайқаллаш, ёғсизлантириш ва абразив ишлов бериш учун препаратлар; совунлар; парфюмерия маҳсулотлари, эфир мойлари, косметика, соч учун лосьонлар; тиш кукунлари ва пасталари.
4. Техника мойлари ва суртма мойлар; суртма мой материаллари; чангни ютиш, намлаш ва боғлаш учун таркиблар; ёқилғилар (шу ҳисобда мотор бензинлари) ва ёритиш материаллари; ёритиш учун пиликлар ва шамлар.
5. Фармацевтика ва ветеринария препаратлари; тиббий мақсадлар учун гигиена препаратлари; тиббий мақсадлар учун парҳез моддалар, болалар овқатлари; пластирлар, боғлаш материаллари; тишларни пломбалаш ва тиш қолипларини тайёрлаш учун материаллар; дезинфекцияловчи воситалар; зарарли ҳайвонларни йўқотиш учун препаратлар; фунгицидлар, гербицидлар.
6. Оддий металллар ва уларнинг қотишмалари; металлдан бўлган қурилиш материаллари; кўчма металл конструкциялар ва иншоотлар; рельсли йўллар учун металл материаллар; металл трослар ва симлар (электр бўлмаганлари); майда-чуйда металл буюмлар ва қулфлаш буюмлари; металл қувурлар; сейфлар; оддий металллардан бошқа синфларга мансуб бўлмаган буюмлар; рудалар.
7. Машиналар ва дастгоҳлар; моторлар ва двигателлар (ер усти транспорт воситалари учун мўлжалланганларидан ташқари); бирикмалар ва узатма элементлари (транспорт воситалари учун мўлжалланганларидан ташқари); қишлоқ хўжалик асбоб-анжомлари; инкубаторлар;
8. Дастаки қуроллар ва асбоблар, пичоқли буюмлар, санчки ва қошиқлар; совуқ қурол; устара.
9. Илмий, денгиз, геодезия, фото сурат олиш, кинематография, оптика, (тарозида) тортиш, ўлчаш, сигнализация, назорат (текшириш), қутқариш ва ўргатиш учун приборлар ва асбоблар; узатиш, тақсимлаш, трансформациялаш, йиғиш, ростлаш ёки электр билан бошқариш учун приборлар ва асбоблар; товуш ёки тасвирларни ёзиш, узатиш, қайтадан тиклаш учун аппаратура; магнитли ахборот ташувчилар, товуш ёзиш дисклари; савдо автоматлари ва аввалдан ҳақи тўланадиган аппаратлар учун механизмлар; касса аппаратлари, ҳисоблаш машиналари, ахборотга ишлов бериш учун ускуна ва компьютерлар; ўт ўчириш учун ускуна.

10. Жарроҳлик, тиббий, стоматологик ва ветеринария асбоб-ускуналари; қўл-оёқ протезлари, кўз ва тиш протезлари; ортопедик буюмлар; чоклаш материаллари;
11. Ёритиш, иситиш, буғ ҳосил қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларига иссиқлик ёрдамида ишлов бериш, совутиш, қуритиш, шамоллатиш учун, сув тақсимлагич ва санитария-техник қурилмалар;
12. Транспорт воситалари; ерда, ҳавода ва сувда ҳаракатга келтириш учун қурилмалар.
13. Ўқ отувчи қурол; ўқ-дорилар ва снарядлар; портловчи моддалар; мушакбозликлар.
14. Асл металллар ва уларнинг қотишмалари, улардан тайёрланган ёки улар билан қопланган, бошқа синфларга мансуб бўлмаган буюмлар; заргарлик буюмлари, бижутерия, қимматбаҳо тошлар; соатлар ва бошқа хронометрик асбоблар
15. Мусиқа асбоблари
16. Қоғоз, картон ва улардан тайёрланган бошқа синфаларга мансуб бўлмаган буюмлар; босма маҳсулот; муқовалаш учун материаллар; фотосуратлар; ёзув қоғози маҳсулотлари; иш юритиш ёки маиший мақсадларда фойдаланиш учун елимловчи моддалар; рассомлар учун анжомлар; мўй-қаламлар; ёзув машиналари ва идора анжомлари (мебелдан ташқари); ўқув ашёлари ва кўргазмали қуроллар (аппаратлардан ташқари); ўраш учун пластмасса материаллари (бошқа синфага мансуб бўлмаган-лари); ўйин қарталари; шрифтлар; бос-махона клишеси
17. Каучук, резина, гуттаперча, асбест, слюда ва шу материаллардан тайёрланган бошқа синфларга мансуб бўлмаган буюмлар; қисман ишлов берилган пластмассадан тайёрланган буюмлар; ёриқларни беркитиш, зичлаш ва изоляциялаш учун материаллар; нометалл эгилувчан трубалар
18. Чарм ва чармга ўхшатма, улардан тайёрланган ва бошқа синфларга мансуб бўлмаган буюмлар; ҳайвон терилари; йўл сандиқлари, жомадонлар; ёмғирдан ва қуёшдан сақловчи соябонлар, ҳассалар; хипчинлар, қамчилар, от абзали ва эгаржабдуқ буюмлари.
19. Нометалл қурилиш ашёлари; қурилиш мақсадлари учун нометалл қаттиқ қувурлар; асфальт қатронлар ва битум; нометалл кўчма конструкциялар ва иншоотлар; нометалл ёдгорликлар
20. Мебель, кўзгулар, расмлар учун ҳошиялар ва шу кабилар; ёғоч, пўкак, қамиш, шакар қамиш, мажнунтол, шох, суяк, фил суяги, кит мўйлови, тошбақа косаси, чиғаноқ, қаҳрабо, садаф, денгиз кўпиги, шу материалларнинг ўрнини босувчилар ёки пластмассалардан тайёрланган бошқа синфларга мансуб бўлмаган буюмлар.
21. Уй-рўзғор ёки ошхона анжомлари ва идиш-товоқлар; тароқлар ва губкалар; чўткалар (мўйқаламлардан ташқари); чўтка маҳсулотлари учун материаллар; тоза-лаш ва йиғиштириш учун мосламалар; металл мочалкалар; ишлов берилмаган ёки қисман ишлов берилган шиша (қурилиш шишасидан ташқари); шиша, чинни ва фаянсдан бошқа синфларга мансуб бўлмаган буюмлар.
22. Канатлар, арқонлар, чилвирлар, тўрлар, айнан, балиқ ови ва харид қилинган нарсалар учун тўрлар; чодирлар, брезентлар, елканлар, тўқимачилик материалларидан ўраб жойлаш қоплари; товарларни ташиш ва сақлаш учун қоплар.
23. Тўқимачилик иплари ва йиғирилган иплар
24. Бошқа синфларга мансуб бўлмаган газламалар ва тўқимачилик буюмлари; аёллар, ўрин ёпинғичлари ва дастурхонлар.
25. Кийим-кечаклар, пойабзал, бош кийимлари.
26. Кружевалар ва каштачилик буюмлари, жияклар ва тасмалар, тугмачалар, шиқ-шиқ тугмалар, пилталар ва блочкалар, нина тўғнағичлар ва игналар; сунъий гуллар.

27. Гидамлар, бўйралар, матлар, поллар учун линолеум ва бошқа қопламалар; девор гулқоғозлари ва нотўқима сирма қоплама материаллари.
28. Ҳйинлар, Ҳйинчоқлар; бошқа синфларга мансуб бўлмаган гимнастика ва спорт маҳсулотлари; арча безаклари
29. Гўшт, балиқ, парранда ва ёввойи парранда; гўшт экстрактлари; консерваланган, қуритилган ва иссиқлик билан ишлов берилган мева ва сабзовотлар; желе, конфитюрлар; тухум, сут ва сут маҳсулотлари; озуқа ёғи ва мойлари.
30. Кофе, чой, какао, шакар, гуруч, тапиока (маниока), саго, кофе ўрнини босувчилар, ун ва дон маҳсулотлари, нон-булка маҳсулотлари; қандолат маҳсулотлари; муз-қаймоқ, асал, шинни қиёми, ачитқи, новвойлик кукунлари; туз, хантал, сирка, қайла-лар (салатлар учун қайлалардан ташқари); зираворлар, озуқа музи
31. Бошқа синфларга мансуб бўлмаган қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик-полизчилик, ўрмончилик ва дон маҳсулотлари; тирик ҳайвонлар; янги узилган мевалар ва сабзавотлар; уруғлар, тирик ўсимликлар ва гуллар; ҳайвонлар учун емлар; солод.
32. Пиво; минерал ҳамда газланган сувлар ва бшқа алкогисиз ичимликлар; мева ичим-ликлари ва мева шарбатлари; ичимликлар тайёрлаш учун қиёмлар ва бошқа тар-киблар.
33. Алкоғолли ичимликлар (пиводан ташқари)
34. Тамаки; чекиш буюмлари; гугуртлар.
35. Реклама; бизнес соҳасида менежмент; бизнес сҳасида маъмурий фаолият; офис хизмати.
36. Суғурта: молиявий фаолият; пул-кредит операциялари; кўчмас мулк билан ўтказиладиган операциялар
37. Қурилиш; таъмирлаш; ускуна ўрнатиш.
38. Телекоммуникациялар.
39. Транспортда ташиш; товарларни ўраш-жойлаш ва сақлаш; саёҳатлар ташкил қилиш.
40. Материалларга ишлов бериш.
41. Тарбия; ўқув жараёнини таъминлаш; Ҳйин-кулги; спорт ва маданий-оқартув тад-бирларини ташкил этиш.
42. Илмий ва технология хизматлари ҳамда уларга тегишли бўлган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар; саноат таҳлили ва илмий тадқиқотлар бўйича хизматлар; компьютерларнинг техник ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва такомил-лаштириш.
43. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар; вақтинчалик турар жой билан таъминлаш.
44. Тиббий хизматлар; ветеринария хизматлари; инсонлар ва ҳайвонлар учун гигиена ва пардоз-андоз соҳасидаги хизматлар; қишлоқ хўжалиги, полизчилик ва ўрмончилик соҳасида хизматлар.
45. Юридик хизматлар; мол-мулк ва индивидуал шахслар ҳимояси учун хавфсизлик хизматлари; индивидуал шахслар эҳтиёжларини қондириш учун бошқалар томонидан кўрсатиладиган шахсий ва ижтимоий хизматлар.

2006 йил январь ҳолатига кўра Ницца шартномаси қатнашчилари 78 та мамлакатдир. Улар Ницца шартномасини товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилганлар ва қўллайдилар. Бундан ташқари яна 68 та мамлакат ва 4 та ташкилот (2006 йил январь ҳолатига кўра) Ницца шартномасини қўллайдилар.

Илова III

Мадрид битими ва Мадрид протоколи тарафдорлари (2010 йил 11 октябрь ҳолатига кўра)

Мадрид битими ва Мадрид протоколи тарафдорлари		Фақат Мадрид битими тарафдорлари	Фақат Мадрид протоколи тарафдорлари
Австрия	Македония	Жазоир	Австралия
Озарбайжон	Марокко	Тожикистон	Антигуа ва Барбуда
Албания	Мозамбик		Бахрейн
Арманистон	Молдова		Ботсвана
Белоруссия	Монако		Буюкбритания
Бельгия	Монголия		Гана
Болгария	Нидерландлар		Греция
Босния ва Герцеговина	Намибия		Грузия
Бутан	Польша		Дания
Венгрия	Португалия		ЕИ
Вьетнам	Россия		Замбия
Германия	Румыния		Ирландия
Миср	Сан-Марино		Исландия
Италия	Свазиленд		Исроил
Эрон	Словакия		Литва
Испания	Словения		Мадагаскар
Қозоғистон	Сербия		Норвегия
Кения	Сирия		Оман
Хитой	Судан		Корея Республикаси
Қирғизистон	Сьерра-Леоне		Сан-Томе ва Принсипе
Кипр	Украина		Сингапур
ХХДР	Франция		США
Куба	Хорватия		Туркманистон
Латвия	Черногория		Туркия
Лесото	Чехия		Ўзбекистон
Либерия	Швейцария		Финляндия
Лихтенштейн			Швеция
Люксембург			Эстония
			Япония

* Мадрид протоколи Фарера ороллариға нисбатан қўлланилмайди, лекин Гренландияға нисбатан 11. 01. 2010дан қўлланади

* Муҳофаза Бельгия, Люксембург ёки Нидерландия учун алоҳида эмас, фақат биратўла 3 мамлакат (Бенилюкс) номидан қўшимча умумий ёки индивидуал божни тўлаш шарти билан сўралиши мумкин

Қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги фойдали сайтларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Интеллектуал мулкнинг бошқа аспектлари бўйича ишга доир аспектда:

www.wipo.int/sme/

Товар белгилари бўйича умумий масалалар бўйича:

БИМТда «Интеллектуал мулк ҳақида»: <http://www.wipo.int/about-ip/en/>

Товар белгилари бўйича халқаро ассоциация: www.inta.org

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш Мадрид тизими бўйича:

<http://www.wipo.int/madrid/en/index.html>

Бутун дунё саноат мулки идоралари томонидан таъминланувчи товар белгилари бўйича маълумотлар базаси рўйхати бўйича:

<http://ecommerce.wipo.int/databases/trademark/index.html>.

Ницца шартномасига мувофиқ белгиларни рўйхатга олиш учун Товарлар ва хизмат-ларнинг халқаро таснифи бўйича: <http://www.wipo.int/classifications/en/index.html> (under Nice Agreement)

Вена шартномасига мувофиқ Белгиларнинг тасвирий элементларининг халқаро таснифи бўйича: <http://www.wipo.int/classifications/en/index.html> (under Vienna Agreement)

Товар белгилари ва домен номлари ўртасидаги зиддиятлар бўйича:

<http://ecommerce.wipo.int/domains/>, www.icann.org

Домен номлари билан боғлиқ бахсларни ҳал қилиш билан боғлиқ альтернатив процедуралар бўйича: <http://arbiter.wipo.int/domains/>

Ўқувчилар диққатига!

“Интеллектуал мулк бизнес учун” сериясидаги нашрлар:

1. Белгини яратиш: “Кичик ва ўрта корхоналар учун товар белгилари” мавзусига кириш. БИМТнинг 900 –сонли нашри.
2. Мукамалликка интилиш: “Кичик ва ўрта корхоналар учун саноат намуналари” мавзусига кириш. БИМТнинг 498 –сонли нашри.
3. Келажакни ихтиро қилиб: “Кичик ва ўрта корхоналар учун патентлар” мавзусига кириш. БИМТнинг 917 –сонли нашри.
4. Ижодий ифодалаш: “Кичик ва ўрта корхоналар учун муаллифлик ҳуқуқи” мавзусига кириш. БИМТнинг 918 –сонли нашри (тез орада чоп этилади).

Барча нашрлар БИМТнинг электрон китоб магазини www.wipo.int/ebookshop сайтида мавжуд.

Бошқа Интеллектуал мулк тўғрисидаги нашрлар ва материаллар билан БИМТнинг КҰК (кичик ва ўрта корхоналар) учун www.wipo.int/sme/en/ сайтидан, шунингдек www.wipo.int/sme/en/document/wipo_sme_newsletter.html сайтида КҰК бўлимининг ҳар ойда бепул нашр қилинадиган электрон информацион бюллетенидан танишингиз мумкин.

Кейинги ахборотларни олиш учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига мурожаат қилинг

Манзил:
34, chemin des Colombettes
P.O. Box 18
CH-1211 Geneva 20
Switzerland

БИМТ web-саҳифасига қаранг:
<http://www.wipo.int>
шунингдек, БИМТ электрон магазини:
<http://www.wipo.int/ebookshop>

Телефон:
+41 22 338 91 11
Факс:
+41 22 733 54 28

ёки унинг КЎК бўйича бўлимига:
Манзил:
34, chemin des Colombettes
P.O. Box 18
CH-1211 Geneva 2'
Switzerland

Электрон почта:
wipo.mail@wipo.int

Факс:
+41 22 338 87 60
Электрон почта:
sme@wipo.int
Web-саҳифа:
<http://www.wipo.int/sme>

ёки Нью-Йоркдаги координация
бўйича Бюрога:
Манзил:
2, United Nations Plaza
Suite 2525
New York, N.Y. 10017
United States of America

Телефон:
+1 212 963 6813
Факс:
+1 212 963 4801

Электрон почта:
wipo@un.org

ДПИ нашри №1 (UZ)

Ушбу брошюрага буюртма бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил:
Тошкент ш. Тўйтепа кўчаси 2 а уй.
Телефон:
+998 71 232 00 13
Факс:
+998 71 233 45 56
e-mail: info@patent.uz